

# ЎЗБЕКISTON




# ОВОЗИ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 23-noyabr • Payshanba • 139 (27.630) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## БОЛАНГИЗНИ АСРАНГ, БАҒРИНГИЗГА ОЛИНГ

Газетамизда Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош Бошқармаси тасарруфидаги вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази замонавий бинога кўчиб ўтганлиги ҳақида илгарги хабар бергандик. Мухбиримиз ушбу марказда бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди



Тўғриси, бундай шароитни ҳисобда миллионлар айланмаган бой фирмаларнинг офисларида кўриш мумкин. Марказ ховлисига киришингиз билан бинонинг бежирим кўриниши ва катта биллур кандил диққатингизни тортади. Йўлақларда ва хоналарда чўгдек гиламлар, ҳар жой-ҳар жойдаги катта аквариумларда балиқлар сузиб юрибди. Шинамгина емакхона безаклари ҳам кўзни қувонтиради: худди уйдаги каби чинни идишлар терилган сервантлар, деворга осиб қўйилган манзарадаги ажиб шаршарадан оқаётган сувнинг шилдираши эшитилади. Маърифат хонасида катта экранли плазма телевизор ва йигирма чоғли компьютер қатор турибди. Кутубхона, кишики, ёзги спорт заллари, бассейнлар болалар ихтиёрида. Машгулот хонаси, унга ёндош оппоқ жилдлар ёпилган кўрпа-тўшақли каравотлар қатор турган ётоқхона, душхона ва бошқа қўлайликларга эга ўн битта мажмуа мавжуд. Ана шу

хоналарда, уч ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар...  
— Марказимизга қаровисиз қолган, уйдан қочган, адашган болалар келтирилади, — дейди марказ бошлиғи, полковник Нуриддин УРОЛОВ. — Вазифамиз — уларнинг яшаш манзилларини аниқлаш, ота-оналари қўлига олиб бориб топшириш, етим болалар бўлса болалар уйларига жойлаштириш.  
Марказга кириверишда бир йипитчанинг безовта турганини кўриб, суҳбатга тортгандик. Олтириқданман, исми Абдуназар деб таништиради ўзини. У «Чилонзор буюм бозори»га кийим-кечак олишга тушибди, 13 яшар укасини йўқотиб қўйибди. Абдуназар укасини излаб ўзгартиш, Сирғали даҳаларида яшовчи қариндошлариникига бир-бир кириб чиқибди, кейин бу ерга келибди...  
Сал вақтдан кейин ака-уканинг ётақлашиб чиқаётганини кўрдик. «Шароитлари зўр, укам ёмон жойда эмас экан», — ака хурсандли-

гини изҳор этади, — марказ ходимларига раҳмат...

Бу ерга келтирилганларнинг ҳаммасининг ҳам изидан излаб келувчилари бор эмас. Навоийлик Шерзодин марказга учинчи бор келиши.

— Уйдаги нотинчликдан қочиб келдим, — дейди у.

Шерзод Хатирчида Тошкентга қатнайдиغان автобусда ишлаб юрган — автобус ювган, шофёрларнинг майда-чуйда юмушларини бажарган. Бир сафар унга сув олиб келишни буюришган, Шерзод қўлида бир бақлашқа сув билан қайтиб келса, автобус аллақачон кетиб бўлибди. Етар жой топиш илҳижда «Чилонзор буюм бозори»да тентираб юрган. Уч-тўрт ойдан буён шу ерда экан. Уни ерости йўлагиди милиция ходимлари учратиш, марказга олиб келиб топширишган.

2-бет

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни



## КОНСТИТУЦИЯДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИНГ МУҲОҒАЗА ЭТИЛИШИ

раҳбари суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятига нисбатан муносабатни ўзгартириш, суднинг ҳимоя доираси кенгайтирилиши таъминлаш, уни жазолочи орган эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи орган деб тушуниш кераклиги тўғрисидаги қатор ҳолатларни илгарти сураётганлиги барчамизга маълум.  
Дарҳақиқат, Юртбошимиз Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судлар-

га ўтказиш керак... Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этлишимиз лозим бўлган яна бир масала — бу жазолани тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир» деган эдилар.

Конституциямизнинг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлимида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари ҳамда фуқароларнинг бурчлари тўлиқ ёритилган.

2-бет

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINING QONUNCHILIK PALATASIDA

21–22 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Коллектив ҳафсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзоллигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Соци, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун депутатларга Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳуж-

жатнинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ишлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов «Ўзбекистон Республикаси Социал-демократик партияси»нинг 71-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Қонун лойиҳасининг модда-модда муҳокамаси чоғида депутатлар ислохотларни

янада чуқурлаштириш ва мамлакат иқтисодий эркинлаштириш учун солиқ қонунчилигини такомиллаштириш мумкин аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Бўлиб ўтган муҳокамалардан кейин Қонун қабул қилинди.

«Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А.Рустамов томонидан тақдим этилди.

2-бет

## 2006 йил 24 ноябрь кўни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми бўлиб ўтади

Пленумда «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кўчатириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари киритилиши муносабати билан таъкилий ва сиёсий вазибалари» тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

## «ОБУНА — 2007»

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — бу Сизнинг овозингиз, Сизнинг газетангиз!

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги Дастури ва сўллик позициясидан келиб чиқиб, ижтимоий муаммоларга энг кўп эътибор қаратадиган, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қиладиган газета.

Агар ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ХДП ташаббуси ва тақлифлари, депутатларимиз фаолиятдан оғох бўлиб боришни, кўпчиликини ўйлантириб келаётган мавзулардаги таҳлилий, танқидий мақолаларни, суҳбатларни ўқишни истасангиз, дунёда бўлаётган жараёнлардан ўз вақтида хабардор бўлишни хоҳласангиз

2007 йил учун газетамизга обуна бўлинг! Нашр индекси: 220

## ШИФОКОР ТАШАББУСИ

Раббано ака Раҳмоновнинг қўли энгил, малакали шифокорлигини Андижонда кўплар яхши билади. Чорак асрга яқин Андижон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасини бошқарган. Пенсияга чиқиб, ёши етмишга етаётган бўлса

ҳам бардам-бақувват, чехрасида табассум. Тиниб-тинчимайди. Айни пайтда у Андижон шаҳар кўп тармоқли марказий шифохонасининг юқумли касалликлар бўйича бош мутахассиси сифатида ишламоқда. Тажрибали шифокор маъна-

вият-маърифат тарғиботчиси, спорт фидойиси, ЎзХДП фаоли хам ҳисобланади. Жамоатчи матбуот тарқатувчиликини хам жойига қўйгани жамоада вақтда нашрларга обуна мавсумида билинди. Шаҳар марказий шифохонаси бўйича келаси йил учун

18 миллион 200 минг сўмлик обунанинг ташкилотчиси, жонкуяри хам Раббано ака Раҳмонов бўлди. У ҳамкасбларини бошқа газета-журналлар қаторида «Ўзбекистон овози»га ҳам 31 донга ёзилишини ушторди. Аҳмадилло СОЛИЕВ

(ЎзА)

## ҚУВАЙТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКISTONДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қувейт давлати алоқа вазири Масъума Солих ал-Муборак хоним раҳбарлигидаги делегация 22 ноябрь кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Фаруҳа Муҳитдинова билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқалар кун сайин ривожланиб бораётгани ва бунда Президент Ислам Каримовнинг 2004 йил 19-20 январь кўнлари Қувейтга расмий ташрифи асосида эришилган келишувлар мумкин бўлиб хизмат қиладигани алоҳида таъкидланди.

Томонлар икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол юзасидан фикр алмашди.

## ҚОНУН ВА ИЙМОНДАН ЮЗ ЎГИРГАНЛАР

«Текширувчилар «Бу алкоголь ичимликлар қерда тайёрланди?» деган саволга дўкондорлардан жавоб ололмагач, масалага чуқурроқ ёндошиб, Н.Норкуловнинг яшаш манзилига йўл олишди. «Тадбиркор» аёл хондонидан нима топилди, деб ўйлайсиз? Беш-ўн яшик ароқми, спиртни, акциз қоғозларими?.. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бу ерда ...»

2-3-бетлар

## ОВУЛЛАРДА ИЧИМЛИК СУВ

ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА  
«Шу йилнинг декабрь ойи охиригача Қораўзак туманидаги «Кирик», «Отенгкўл», Кегайли туманидаги «Агеден», «Шуит», «Копоккол», Чимбой туманидаги «Бўзатов», «Қўшкаржиккан», Хўжайли туманидаги «Тозаташлар» каби яна бир қатор аҳоли манзилгоҳлари ичимлик сув билан тўла таъминланади».

3-бет

## «ЕР ОЛОЛМАЙ ОВОРАМАН»

«Даставвал, (1991 йилда) собиқ Сиёб тумани ҳокимлигига «Сиёб» бозори ҳудудидан ошхона очишимга рухсат беришларини сўраб мурожаат қилдим. Аммо масъул ходимлар турли ваз-қарсонлар кўрсатиб, бу ишни орқага ташлашди. Шу билан менинг аччиқ қисматим бошланди».

4-бет

БУГУНГИ СОНДА

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

**O'ZSAMOATQURILISHBANK**  
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!  
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26  
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz  
Хизматлар лицензияланган

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKDORGA HANMKOR!  
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74  
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz  
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!  
**«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР**  
Хизматлар лицензияланган



## БУХОРОДА БАЛИҚ САЙЛИ

Мана, ўн беш йилдирки, Шарқ гавҳари — Бухорода қадимий қадриятлар қайта бўй кўрсатмоқда, сайллар қадр топтомоқда. Бунга яқинда ўтказилган балиқ сайли гувоҳ бўлиб турибди.

— Илгари қовун сайли, гуллар байрами бўлардики, уларга бухороликлар кўникиб қолишганди, — дейди биз билан суҳбатда «Бухоробалиқ» хиссадорлик жамияти раиси Элмурод Шомуродов. — Бу галги тадбир кўпчиликни хайратга солди. Сабаби бундан олдин балиқ сайли бошқача маъно касб этганди.

Дарвоқе, соҳада иқтисодий ислохотлар ўтказилгани боис, балиқчилик ҳам ўз эгасини топти. Бу эса балиқ саноатида силжишга туртки бўлди. Балиқ етиштириш ҳажми ортди.

Бухоро шаҳридаги «Самонийлар» деҳқон бозорига ташкил этилган Балиқ сайли соҳадаги ютуқлар кўргазмаси бўлди. Сайлда вилоятдаги 10 дан зиёд табиий қўл ва сув ҳавзаларида ижара асосида фаолият кўрсатаётган 16 та балиқчилик хўжалиги жамоалари павильонларда ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

**Даврон БАХРОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири

## АСОСИЙ МАҲСУЛОТ — ЭКСПОРТГА

Зарафшон шаҳридаги «Агама» трикотаж ишлаб чиқариш фирмаси қошида «Кизилқум мануфактураси» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Россия томонидан «Евролюкс» маъсулияти чекланган жамияти ва Ўзбекистон томонидан Навоий кон-металлургия комбинати йилга пахта толасидан 5 минг тонна ип йиғириш бўйича шартнома имзоледи. Салкам 200 киши иш билан таъминланган корхона маҳсулотларини асосий қисми хорижга экспорт қилинади.

**Ё.УМАР,**  
ЎЗА мухбири

## ҚОРАКАЛПОҒИСТОН: ОВУЛЛАРДА ИЧИМЛИК СУВ

### ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Мамлакатимиз Президентининг ва республика ҳукумати қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бераётгани тўғрисида кейинги йилларда Қоракалпоғистонда ҳам катта ишлар амалга оширилди.

«Қоракалпоқовулхўжалик сув тармоқлари» трести жамоаси хизматига бириктирилган 1194 та овул ва қишлоқларда бугунги кунда 793 минг 500 нафар аҳоли бор. Мана шу овул ва қишлоқларнинг ҳаммаси ҳозир марказлашган ичимлик сув билан таъминланди.

Уларга етказиб берилаётган сувнинг ҳажми кунига 17 минг куб метрни ташкил қилиб, шундан унинг 3 минг 300 куб метри Туя-мўйин сув тармоқларидан олинмоқда. Трест тасарруфидоги ҳудудда овуллар аҳолисини узлуксиз ичимлик сув билан таъминловчи 15 та ер ости чуқуқ сув қудуғи (скважина), 65 та (ҳар бирининг кунлик қуввати 100 кубметр) ерости тузли сувларни тозалаб берувчи 240 дона «ЭКОС» ускунаси ишлаб

турибди. Бугунги кунда тармоқларнинг умумий узунлиги 2 минг 789 километр узунликда бўлиб, шундан 733 километри магистрал ҳамда 2 минг 56 километри ички сув шохобчаларидир.

Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида умумий узунлиги 12,4 километр сув тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Масалан, давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағ эвазига Қораўзак туманидаги «Кийикбой» овулида узунлиги 2,97 километр, «Кирик» овулида 2,5, Кегайли туманидаги «Еркиндарё» овулида 2 километр ичимлик сув тармоқлари барвақт ишга туширилди. Натيجида янгидан 1 минг 215 нафар аҳоли ичимлик таъминотиغا эга бўлди.

Трестда кузги-қушки тайёргарлик ишларида пухта киришилди. Амударё туманида 1200, Беруний туманида 2400, Элиқалъа туманида 1800, Чимбой туманида 1100 погон метр сув тармоқлари реконструкция қилинди. Хизмат муддатини ўтаб, эскириб қолган умумий узунлиги 7 минг 515 погон метр тармоқлар тазмирдан

чиқарилди. Яна бир жиҳат — аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сув сифатига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги билан фойдаланишни долзарб масала қилиб қўйган, — дейди «Қоракалпоқовулхўжалик сув тармоқлари» трести бошқарувчиси Сарсенбой Палушов. — Унинг ихроси йўлида биз ҳозир Жанубий Кореянинг EFMC компанияси билан ҳамкорликда овуллар аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлайдиган «ЭКОС-50» сув тозалаш станциялари қураётимиз. Шу йилнинг декабрь ойи охиригача Қораўзак туманидаги «Кирик», «Отенгкўл», Кегайли туманидаги «Агеден», «Шуит», «Копоккол», Чимбой туманидаги «Бўзатов», «Қўшкаржикан», Хўжайли туманидаги «Тозаташлаб» каби яна бир қатор аҳоли манзилгоҳлари ичимлик сув билан тўла таъминланди.

Мамлакатимиз Президентининг ва ҳукуратимиз қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланишни долзарб масала қилиб қўйган, — дейди «Қоракалпоқовулхўжалик сув тармоқлари» трести бошқарувчиси Сарсенбой Палушов. — Унинг ихроси йўлида биз ҳозир Жанубий Кореянинг EFMC компанияси билан ҳамкорликда овуллар аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлайдиган «ЭКОС-50» сув тозалаш станциялари қураётимиз. Шу йилнинг декабрь ойи охиригача Қораўзак туманидаги «Кирик», «Отенгкўл», Кегайли туманидаги «Агеден», «Шуит», «Копоккол», Чимбой туманидаги «Бўзатов», «Қўшкаржикан», Хўжайли туманидаги «Тозаташлаб» каби яна бир қатор аҳоли манзилгоҳлари ичимлик сув билан тўла таъминланди.


Тизимдаги барча сув иншоотлари ва тармоқларнинг узлуксиз меъёрида ишлашини таъминлаш мақсадида мураккаб ва жорий тазмирлаш ишлари олиб бориш учун хўжалик ҳисобида устакхона ташкил этилди. Унга тажрибали мутахассис Узокбой Ниетов раҳбарлик қилмоқда. 12 та туманда сув тармоқлари бошқармалари мавжуд бўлиб, муҳандис-техниклар «ЭКОС-50» ускуналари, электр двигателлари, сув насослари ва бошқа механизмлар ҳамда техника воситаларини муттасил мураккаб ва жорий тазмирдан чиқармоқдалар.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири



## ДИПЛОМАТИК АЛОҶАЛАР ТИКЛАНДИ

25 йиллик узлишдан сўнг Ироқ билан Сурия ўзаро дипломатик алоқаларни тўлиқ тикладилар. Сурия ташқи ишлар вазири Валид ал-Муаллим билан Ироқ ташқи ишлар вазири Хошиёр Зибори Бағдодда бу борада битим имзолادилар. Ушбу битимга кўра, Дамашқда Ироқ элчихонаси, Бағдодда эса Сурия элчихонаси очилди ва ўзаро алоқаларни ривожлантириш йўлида фаолият олиб борадилар.



ИТАР-ТАСС маълум қилишича, бу икки қўшни давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар 1982 йили Эрон — Ироқ уруши кетаётган бир паллада узилган эди. Бунга сабаб ўша урушда расмий Дамашқ Тэхронни қўллаб-қувватлаганди.

## ПРЕЗИДЕНТГА ЯНГИ АЙБЛОВЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Перу суди мамлакатнинг собиқ президенти Альберто Фухиморига нисбатан янги айбловлар эълон қилди ва уни қамоққа олишга ордер ёзди. У бундан 14 йил аввал «Sendero Luminoso» кўзғолончилар ҳаракатининг қамоққа олинган ишончи маҳбусларига нисбатан шайқатсиз жазолар қўлланганида айбланмоқда. Суд қарорини ёзилди. Фухимори мамлакатни бошқарган йилларда (1990 йилдан 2000 йилгача) ҳибсга олинган ўта сул қараш вакиллари қамоққа оммавий ўлдирилган. Яъни, 1992 йил 9 май кунини «sendero»чилар сақланаётган маҳбусларга армия ва полиция махсус хизматининг 650 нафар вакили қўролли ҳужум уюштирган, бунинг натижасида 42 киши ҳаётдан кўз юмган.

Аниқланишича, бу операция Фухимори топшириғи бўйича амалга оширилган. Ҳукумат ўлганларни яшириш ва воқеани овоза қилмаслик учун барча чораларни ишга солди. Шунинг учун суд унга қидирув эълон қилиш ва қамоққа олиш мақсадида Интерполга ордер жўнатди.

2001 йилда ҳам Перу конгресси депутатлари Фухиморининг инсониятга қарши жиноятлари учун айблов эълон қилиш бўйича овоз бергандилар.

Эслатиб ўтамиз: Альберто Фухимори 2000 йил ноябрь ойида Японияга қочиб кетган. Ҳозирги пайтда у Чилида. 2005 йил охирида у ерда қамоққа олинган, бироқ Перуга жўнатиш масалалари ҳал бўлгунча гаров эвазига озод этилган.

## ТОЖИКИСТОНДА ЯШАЙДИГАН РУСЛАР ЖАМОАСИ КЎМАККА МУҲТОЖ

Шу йил 19 ноябрь кунини Тожикистондаги руслар жамоасининг раиси В.И. Юшин раҳбарлигидаги делегация Москва шаҳридаги авлиё Никола Черковнига таширф буюрди, деб хабар беради Тожикистоннинг «Авеста» интернет-сайти.

Черковдаги катта ибодат чоғида делегация вакиллари Тожикистонда истиқомат қилувчи русларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги алоҳида илтимослари эълон қилинди ва маросим якунланганидан сўнг улар учун хайр-эҳсон тўпланди. Юшиннинг сўзларига қараганда, 1990 йилларга қадар Тожикистонда яшаб келган 500 минг кишидан иборат рус миллатига мансуб аҳолидан ҳозир атиги 20 минг нафарга яқин киши қолган. Бугунги кунда ҳукумат идораларида ушбу миллат вакиллари даярили йўқ.

Юшин Тожикистонда нисбатан вазисиз тартиб жорий этилгани ва ушбу мамлакат ҳудудидан Россия чегарачиларининг олиб чиқиб кетилганини танқид қилар экан, шу боис ҳам Россиядаги тожиклар миқдори 1 миллион нафардан ошиб кетгани ва бу ерга кириб келаётган гитхандлик моддалари эса оқими 10 баробар кўпайганини қайд этди. Унинг фикрича, Тожикистонда яшовчи русларга ёрдам бериш шаклидан бири — бу Россия томонидан берилаётган кредитлардан муайян фоизнинг улуғи уларга шунинг дебелинишидир.

## БОШ ВАЗИРНИНГ СУДИ БОШЛАНДИ

13 киши бу ишга тортилган. Компанияда шундай жадвал ишлаб чиқилган эканки, бу даромадларни солиқ органларидан яширишга, нолегал «қора» жамғарма йиғилишига замин яратган.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, Берлусконига 6 йилгача қамоқ жазоси берилиши мумкин. Суд жараёни бир ойга ёки бир йилга чўзилishi эҳтимолдан холи эмас.

Италиянинг энг бой одами, йиллик медианга Сильвио Берлусконни молиявий фирмига оид бир неча бор судланган. Суд уни бир неча бор қамоқ жазосига ҳукми этган, бироқ ҳар сафар апелляция суди ҳукми беқар қилган.

## ҒАЗО МИНТАҶАСИДА ЯНА ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯ

Шу йил 18 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси Ғазо минтақасидаги ҳарбий амалиётлар тўхтатилишини ва у ердан ҳарбийлар олиб чиқиб кетилишини Исроилдан талаб этиб, резолюция қабул қилган бўлишига қарамай Исроил Ғазо минтақасининг шимолӣ қисмида яна ҳарбий операцияларни бошлаб юборди. Бу ҳақда «NEWSru Israel» сайти хабар тарқатди. Отишмалар чоғида Исроил армиясидан ҳам, ҳамасчилардан ҳам нобуд бўлган бор.



Дарвоқе, ҳамасчилар ҳам Исроилга қарата тишини тўхтатмапти. Кунчи кеча 12 та ракета отилган. Ваҳоланки, БМТ резолюциясида ракета тишини тўхтатишга қачирилган эди.

### ● Иқтисодиёт ва ислохот

## УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН МАНЗИЛИГА ТЕЗ ЕТАДИ

### «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ ИНТЕРНЕЙШНЛ» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ «ЎЗИ — ТЕРМИЗ» ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Бундан йигирма йиллар аввал телефон хизматининг яхши эмаслиги юзасидан Термиз шаҳри аҳолисининг ариза ва шикоятлари назорат ташкилотларини ташвишга солиб келарди. Барча телефон станцияларидаги аппаратлар эскириб кетгани боис аҳолининг ҳақли талабини қондириш мумкин эди.

Мамлакатимиз Истиқлолга эришган ҳукуратимиз бу соҳада кескин бурилишлар қилишга киришди. Алоқа ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш Миллий дастури ишлаб чиқилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа соҳасини 1995-2010 йилларда янгилаш ва ривожлантиришнинг Миллий дастури тўғрисида» (1994 йил) қарори тизимда туз бўрилиш ясади. Айниқса, янги асрнинг бошларида «Ўзбектелеком Интернейшнл» қўшма корхонасининг «ЎЗИ — Термиз» филиали ўз фаолиятини бошлагач, бу ерда ҳақиқий замонавий алоқа тизими вуҳудга келди.

— Симметридаги вазибаларни удрдалашга интилялғимиз, — дейди филиал директори Нормурод Худоев. — Ҳукуратимиз биз алоқачилар олдиға компьютерлаштиришни янада ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологияларининг энг илгорларини тезроқ жорий қилиш каби муҳим вазибаларни қўйган. Уларни бажариш учун қатор тадбирлар ишлаб чиқдик: телекоммуникация тармоқла-

рини ривожлантириш, реконструкция қилиш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини барқарорлаштириш ва турларини кенгайтириш... Жорий йилнинг 9 ойида режаға нисбатан даромадимиз 104,1 фоиздан ошди.

Ўтган йили корхонадагилар 18141 телефон рақамига хизмат кўрсатишганди. Бу йил давомида телефон ўрнатиб беришни сураб мурожаат қилувчилар кўпайиб, бу кўрсаткич бир қадар ўсди ва айни пайтда у 18600 рақамга етди. Телефон сўзлашувларининг ҳажми 3 млн. 500 минг маротабани ташкил этди. Шундан 83 минги халқаро сўзлашувлар хиссасига тўғри келади.

2006 йилда дебитор қарзларни ундириш бўйича сезиларли ютуқларга эришилди. Авваллари қарзларни ундириш анча қийин кечарди. Корхонанин маркетинг хизмати вакиллари почта алоқа хизмати билан ҳамкорликда иш юритиб, қарзларни вақтида тўламаётган ташкилот ёки аҳолини аввалгига огоҳлантирдилар. Бу тадбирлар кор қилмас, солиштирма далолатномалар тузилиб, хўжалик ва фуқаролик судларига юборилди. Шу йул билан қарзлар ундириб олинмоқда.

Аҳолиға сифатли алоқа хизмати кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлар самарасини шаҳарлараро сўзлашув пунктларидаги шарт-шароитларнинг тобора замонавийла-

шиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Бундан ўн беш йиллар аввал бу ерда сўзлашув пунктлари сони санокли эди. Ҳозир филиалда 13 та сўзлашув пункти бор. Шу йилнинг ўзида иккита сўзлашув пункти бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Марказий сўзлашув пункти қайта тазмирдан чиқарилиб, халқаро стандартлар даражасига етказилди. Михозлар хо-ҳишиға қараб, ўзлари учун қулай вақтни танлашади, навбат кутиш йўқ. Шу боис сўнгги чоракдаёқ сўзлашув пунктларидан олинган даромад 53 млн. 559 минг сўмға етди.

2006 йил давомида тўртта янги таксафон хизмати кўрсатиш пункти очилди. Мавжуд барча таксафонлардан олинган даромад тўққиз ойда қарийб ўн миллион сўмға борди.

Электрон АТСларда қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчи мижозлар сони 1840 тага етказилди ва ярим йил давомида улардан келган даромад 3 млн. 607 минг 810 сўмни ташкил этди ва 9 ойликда эса 5,5 млн. сўм даромад олинди.

Домий қуруқ ҳаво босими остиға қўйилиши керак бўлган магистрал кабеллардан филиалда 70 таси жойлаштирилди ва барчасининг герметик ҳолати меъёрида бўлиши таъминланди. Магистрал кабеллар ва тарқаткич (узатиш) шкафлари сигналлаштирилган бўлиб, ишлаш жараёнлари доимий назоратта

олинган. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 2006 йилда шахсий химоя воситалари учун 1 млн. 69 минг сўм ўзлаштирилди. Электромонтёрлар, кабелчи-пайвандчилар махсус кийим ва асбоб-анжомлар билан таъминланган.

Бу ерда электрон почта ва факс хизматлари бозори чаққон. Бундан алоқачиларнинг ўзлари ҳам манфаатдор. Ойлик маошлар ошапти, ходимларнинг иш шaroити яхшила-напти. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да саккиз нафар ногиронға ёрдам пуллари берилди. Шу йил ёзда 50 нафар алоқачининг фарзандлари соғломлаштириш оромгоҳларида белул дам олишди. «Наврўз» байрами муносабати билан 12 нафар оилаға 124 минг сўмдан моддий ёрдам берилди. Ходимларнинг спорт билан шуғулланишлари учун спорт — соғломлаштириш мажмуаси ишлаб турибди.

Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сифатини янада яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ замонавий технологиялар билан дунёға танилган Хорватия давлатининг «Эриксон» фирмасида ишлаб чиқарилган АТС-2, ГАРМ, АХЕ-10, АТС-7, АТС-5, АТС-6 каби рақамли станциялар шаҳардаги 120 мингдан зиёд аҳолиға хизмат кўрсатмоқда.

Ҳозир Термиз шаҳрининг Нефтбазасида 2048, Гарм посёлкасида 2048, 5-кичик даҳада

2048 рақамға ва Алоқа уйида 6144 рақамға мўлжалланган Хорватия Республикасидан келтирилган АХЕ-10 русумли электрон станция эътиборга олинган. Энди фақат АТС-4 ва АТС-3 станцияларига эски русумли бўлиб, 2007 йилда улар ҳам тўлиқ электрон станцияға алмаштирилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, 2007 йилда Термиз тумани Мангузар посёлкасида 1000 рақамға мўлжалланган электрон станция ўрнатилиши ҳам кўзда тутилмоқда. Ушундан соёлға аҳолисини замонавий ва сифатли электрон рақамли телефон алоқаси билан таъминлаш билан бирға станция сифими ва линия хўжалигини 1000 рақамға ошириш мумкин бўлади. 2007 йилда Чоршанби Сафаров кўчасида ҳам 2000 рақамға мўлжалланган электрон станция ўрнатирилиб, Фестиваль, Чоршанби Сафаров кўчаларидаги мижозлар электрон рақамли станцияға уланиш имкониятиға эга бўладилар.

Хуллас, «Ўзбектелеком Интернейшнл» қўшма корхонасининг «ЎЗИ — Термиз» филиали жамоаси кўзлаган олис «манзил»лар келажақда аҳолининг ҳам алоқа манзиллариға тезроқ етишларға хизмат қилмоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**  
**Мирбохтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Айрим мутасадди ташкилотлар савдо дўконларига спиртли ичимликлар сотиш учун рухсатнома беришда белгиланган тартиб-қоидаларға риоя қилмаётганлиги улар томонидан 52 та савдо дўконига рухсатнома берилганда, уларнинг диний ҳамда таълим муассасалари атрофида жойлашганига ва яна бир қатор бошқа белгиланган тартиблар эътиборга олинмаган. Ушбу савдо дўконларининг рухсат гувоҳномалари бекор қилинди албатта.

«Шароббазалар» фаолияти ўрганиб чиқилганда, аксарий ҳолларда улар томонидан «Шахрисабз вино ароқ» ОХЖ билан маҳсулот етказиб бериш соҳасида тузилган шартномалар тўлиқ ижро қилинмасдан қолаётганлиги қувватининг наслиги (23,6 фоиз) билан изоҳланса, иккинчидан, улар томонидан кўпгина ҳолларда бошқа ишлаб чиқарувчилардан маҳсулотлар харид қилиниши билан боғлиқдир.

Келинг, бу борада ҳам айрим камчиликлардан холи бўлмаган далилларни келтирайлик. «Шахрисабз вино ароқ» ОХЖ жорий йилнинг 9 ойи мобайнида «Шароббазалар» шартномалар бўйича 40 фоиз миқдорда ароқ маҳсулотларини етказиб берган. Вино маҳсулотлари билан таъминлаш шартномаси эса атиги 22,9 фоизға бажарилган. Ёки «Муборак шароббазаси» билан тузилган шартнома 7 фоизға, «Қашқадарь шароб савдо» базаси билан келишув эса 33,3 фоизға бажарилган, холос. Шу савдо базаси билан вино харид қилиш шартномаси 10 фоизға ҳам етмаган.

«Қарс икки қўлдан чиқади». Ушбу ҳолатларни бартараф этиш борасида хар икки томон бирдек бош қотириши, хар қандай шароитда ҳам шартнома шартларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш чораларини қатъий белгилаб олишлари зарур. Кейинги икки ойда «Шахрисабз вино-ароқ» ОХЖда ишлаб чиқарилган алкохол маҳсулотларининг тўлиғича вилоятда «Шаробсавдо» базалари орқали сотиш йўлга қўйилди.

Контрабанда йўли билан кириб келаётган, яширин шекларда пинҳона тайёрланаётган ҳужжатсиз спиртли ичимликларнинг нархи бир қадар арзон. Шу боис, уларнинг сифати тўғрисида мутасадди боз қотирмайдиган харидор савдо дўкон-

ларига эмас, арзонроғига чопади. Худди шу ўринда ўйлаб қолсан киши. «Ароқни суриштирмасдан қанча арзонға олдинг» кейин саломатлигини тиклаш учун дори-дармонға қанча сарф-ҳаражат қилдинг?...»

Спиртли ичимликларнинг ноқонунӣ равишда савдоға чиқилишининг олдини олиш мақсадида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, жумладан, вилоят Ички ишлар, Божжона, Давлат солиқ СВОЖДЛК бошқармалари ҳамкорлигида вилоятдаги «Умакай», «Минг чинор», «Чак-чак» ва «Ширин булок» йул патрул хизмати чегара постлари, шунингдек, хар бир шаҳар ва туманлар ҳудудида ҳам рейд-текширувлари ташкил этилди. Чироқчи туманидаги «Умакай» ИПХ масканида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида фуқаро Соҳиб Тўлаев ўзига тегишли бўлган 18 Г 4687 давлат рақамли КамАЗ русумли автомашинасида чет элда ишлаб чиқарилган 81 литр спирт маҳсулотини ноқонунӣ равишда олиб келаётганлиги аниқланиб, унга нисбатан терговолди суриштирув ишлари олиб борилапти. Бундай ўзига хош текширувлар йил охириға қадар давом этади.

Хўш, натижа қандай бўлапти. Утган октябрь ойида ҳамкорликда ўтказилган 184 рейднинг 105 ҳолатида турли ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Айбдорлардан 8080 шиша 8665,8 минг сўмлик алкохол, 5888,7 минг сўмлик 4061,6 литр спирт маҳсулотлари ва минг-минглаб қопқоклар, акциз маркарлари, этикеткалар далилий ашё сифатида олинди. 4 ҳолатда қўлбола ароқ ишлаб чиқарувчи яширин шеклар фаолиятиға чек қўйилди. 51 ҳолат бўйича ҳуқуқбузарларға нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят қодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят ишлари кўзга тилиб, қолганлари бўйича ҳам терговолди суриштирув ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Шу ўринда спиртли ичимликларни ноқонунӣ сотиш борасида қўлланмиладиган чоралар тобора кўчаиб бораётганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқчимиз. 2004 йилнинг 27 августига қадар спиртли ичимликларни ноқонунӣ сотиш ҳолатлари юзасидан фуқароларға нисбатан маъмурий жарима чораси қўлланилиб, олиб қўйилган спиртли ичимликлар мусода-

ра қилинар эди. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги Қонунига асосан жазо чоралари қучайтирилиб, айбдорға нисбатан жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Айни вақтда қонунбузарликлар бўйича аниқланган ҳолатларнинг 60 фоизға яқини ҳужжатсиз ёки сохта ҳужжатлар ва акциз маркарлари билан олиб келинган спиртли ичимликларға тўғри келади.

Яқабкор туманида фаолият кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркор 3.Саидова тегишли бўлган савдо дўконида сотиш мақсадида олиб келинган ҳеч қандай ҳужжатсиз қўлбола усулда тайёрланган 3 турдаги 49,5 минг сўмлик спиртли ичимликлар мавжудлиги, Ғазор туманида яшовчи И.Соқиева қовро нусаҳадаги акциз маркарлари ёпиштирилган истеъмолға яроқсиз 0,5 литр ҳажмидаги 50 дона, Косон тумани Мулдин қишлоғида яшовчи фуқаролар Э.Каримов ва С.Давроновлар ҳам худди шундай ясама акциз маркарли истеъмолға яроқсиз 100 дона «Экстра» ароқларини сотаётганликлариди қўлга тушдилар.

Спиртли ичимликлар фақат ва фақат юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган, савдо майдонини, назорат-касса машинасиға эга бўлган дўконларда пул қўчириш йўли билан қонунӣ олиб келинган, кириш ҳужжатлари, мувофиқлик сертификати бўлган, истеъмол муддати ўтмаган спиртли ичимликлар махсус рухсатномалар асосида сотилиши шарт. Улар савдо пуллари инкассация орқали ўз вақтида ва тўлиғича банк кассаларига топширишлари, диний ҳамда ўқув муассасалари атрофида, шунингдек, таққиланган вақтларда сотмаслик қоидаларига риоя қилишлари шарт.

Шаҳар бедарвоза эмас. Спиртли ичимликларни ишлаб чиқараётган ва сотаётган қонунбузарлар бугун бўлмас эртаға қ

Навоий сабоқлари

РАНГЛАР САЙЁРАСИНИНГ САРБОНИ

Алишер Навоийнинг ҳали биз очолмаган, кашф этиб улгурмаган қирралари жуда кўп. Қуйида ҳазратнинг бир дилбар ғазали атрофида баҳоли қудрат сўз юритамиз.

Улуғ шоир фақат назм суллоғига эмас, буюк рассом ҳамдир. Чунки, Навоий — кўнгил рассоми. Зоҳирий олам тасвирини исталган инсон чиза олиши мумкин, ammo ботиний борлиқ — кўнгил сувратини ижод қилмоқ дунё ганжидеги энг мураккаб жараён.



Унга қилинган ҳар қандай зулму жафо ҳам бир лаҳзада чилпарчин қилиши мумкин. Айниқса, бевафо ёрнинг жабри кўнгил рангини қизартириб, сарғайтириб, сўнгра яшиллик рўмолига ўрайдди. Аслида ҳаёт ҳикматлари ҳам шунинг бир исботи.

Навоий назмий девонларини жузъат қилиб қўлга олимоқ ҳам мушкулдир. Мен учун шоир ғазалларини мутолаа қилиш ҳар гал буюк мўъжизага рўбарў келиш билан баробар. Чунки, шоирнинг ҳар сатри, ҳар бир сўз, ҳар бир байти ўт каби товланади, кишини турфа ранглар дунёсига олиб киради. Мана ўша биткининг дастлабки ранги:

Хилъатин то айламыш жонон қизил, сорик, яшил, Шуълайи оҳим чикар ҳар ён қизил, сорик, яшил.

Маъноси: мен ишқи ўтида қуяётган ёр қизил, сарик, яшил либос кийиб, дилимда жилваланади. Шундан буюн кўзим ва кўнглим ушбу нурларда қамашмоқда, ёр учун қилган оҳу зорларимнинг ранги унинг либосидек рангиндир. Муҳаббат дардидан қуяётган ошқ машъуқага шу қадар маҳлиё бўлганки, охир-оқибат унинг ўзи ҳам рангларга айланади кетган.

Гулшан этгани ишқ саҳросини самуми оҳидин Ким эсар ул даштаро ҳар он қизил, сорик, яшил.

Қалбига муҳаббат ўти қирган одам шу қадар кунга, илму идрокка эришадими, натижада улар амалга ошираётган ишлар атрофдагиларни хайратга солади. Фарҳодни Фарҳод қилган ишқнинг турли рангларидир. Йўқса, севмай туриб тоғи яқсон этиш, Маҳжун каби сахро кезиш, Баҳромдек етти рангдаги етти касрни қурдириш мумкинми?

Орази, холи била хаттинг хаёлидин эрур, Кўларининг оллида даврон қизил, сорик, яшил.

Ораз — бу ёрнинг заррин чеҳраси, унинг ранги доим уятдан, ибодатдан қизариб туради, холнинг ранги сарғимтир, хат эса яшил рангда. Бу бир қарашда оддий бўлиб туюлади. Ammo иккинчи мисра ўқилаётганда, биз шоирни таныймиз. Кўзининг олдидаги ранглар, хаёлий ранглар черик тортиб, дилу жонни фатҳ айлайди, хали инсон қадами етмаган маволар оғушига ташлайди. Шоир даврон, вақт ва умр рангларини уйғунликда чизишда давом этади:

Шишадек кўнглимдадур гулзор хуснинг ёрдин, Тобадонинг аксидек айвон қизил, сорик, яшил.

Бу ўринда шоир кўнглини шишадек тор эмас, асли шишадек инжа, нозик ва шаффоф демокчи.

Бўлган ёр хуснинг гулзори — рангин карвондир. Байт замиридан шоир улуғ камолот сифатларини ошқор этиб, яна ранглар ёмғирига яширади:

Лайлун май туттил олтин жом бирла сабзада, Ким булардин яхши йўқ ишон қизил, сорик, яшил.

Бу ранглар, англаган бўлсангиз, ҳаётдаги тақдорланмас ва энг ҳикматли ранглардир. Майнинг ранги қизил, олтин жом эса сарик рангда товланиб, кўзни кўйдирса, сабза — ям-яшил майса. Олтин қадқоқдаги майни кўкларнинг яшил бағрида имчанинг ўзгача гашту таровати бор, устига-устак ёшлиқда! Бу «ичмакчи» ҳам маъжозий, ҳам чин маънода қабул қилиш мумкин. Демак, барини бир маржондек игта тизсақ, хаёлимиз кўзгусида табиат бағрида ҳаққий ошқ сиймоси гавдаланади. Минг афсус, бу ҳол расмини чизмоқ замонанинг энг машҳур рассомларини ҳам мушкул аҳволга солиб қўйиши аниқ.

Фарқро беранглиг душвор эрур беҳад валеқ, Ҳарқанда тикмак эрур осон қизил, сорик, яшил.

Ҳаётда тақдирнинг бағрида ҳаққий ошқ сиймоси гавдаланади. Минг афсус, бу ҳол расмини чизмоқ замонанинг энг машҳур рассомларини ҳам мушкул аҳволга солиб қўйиши аниқ.

Эй, Навоий, олтин шингарфу зангор истама, Бўлди назминг рангидан айвон қизил, сорик, яшил.

Ушбу сўнги байтда шоирнинг бу ғазали орқали нени айтмоқчи эканлиги, ошқликнинг оғир машаққати яққол ифодаланган.

Мухтасар айтганда, биз юқорида танишиб ўтган ғазал орқали Навоий даҳосининг нечоғли улкан эканини, шоир назарда тутган ранглар олами нима маъноларни англатишини хаёлан тасаввур этамиз. Айни пайтда улуғ мутафаккирининг сўз қудратига яна бир бор имон келтирамиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ, талаба

Тадбир

АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ОЙЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда унинг ижросини таъминлаш мақсадида жойларда қўллаб амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

Жамият тараққиётида хотин-қизларнинг ролини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий савиясига боғлиқ. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси қўшидаги «Аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлик уюшмаси» бу борада амалий ишлар олиб боради.

Кўмита Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллигига бағишлаб 7 ноябрдан — 7 декабргача аёлларнинг анъанавий ҳуқуқий саводхонлик кунларини ташкил этди.

Тошкент давлат юридик институтида Ўзбекистон хо-

тин-қизлар кўмитаси, республика Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофиа вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа катёр уюшма ҳамда нодавлат ташкилотлари ҳамкорликда уюштирилган «Аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ҳуқуқий меъёрлар» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

— Хар қандай жамиятда аёлларнинг ҳуқуқий савияси муҳим масалалар, — деди сенатор, Тошкент давлат юридик институти ректори, юридик фанлари доктори Мирза-

юсов Рустамбоев. — Зеро, бугунги кунда опа-сингилларимизнинг жиноятга қўл уриши, хар хил ёт ёлларга ишониб, алданиши каби аянчли аҳволга тушиб қолишларининг туб илдизи айнан улар орасида ҳуқуқий савиянинг пастлиги, халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан етарли даражада таниш эмаслигидир.

Тадбир қатнашчилари хотин-қизларнинг жамиятдаги сиёсий ҳамда демократик жараёнлардаги иштирокини янада ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш учун аввало, уларнинг ҳуқуқий билим доирасини кенгайтириш муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Бугунги аёл оиланинг «бош мураббийи ва тарбиячиси»га айланиб бўлди. Биз аёлнинг ҳуқуқий савиясини бугунги талаб даражасига кўтариш учун курашяпмиз, — дейди Ўзбекистон хотин-қизлар

кўмитаси раиси ўринбосари Фарида Акбарова. — Чунки, ҳуқуқий билимга эга аёл ўз оиласини, фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялайди. Улар онгида ҳуқуқий кўникмаларни шакллантиради. Шу боис, биз бу масалада тарғибот ишларини янада такомиллаштиришимиз зарур.

Дарҳақиқат, кўмита хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини, халқаро ҳуқуқий меъёрларни ўрганишда ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида республикамиз оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкор хотин-қизлар ўртасида «Бахтимиз қомуси» деб номланган кўрик-танловни эълон қилди. Танлов ғолиблари 2007 йил 8 март арафасида эълон қилиниб, кўмита томонидан тақдирланди.

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

КАСБИДА ЯНГИ СПОРТ ИНШООТИ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУАЛАРИНИНГ СОНИ ЯНА БИТТАГА КўПАЙДИ. БУ САФАР КАСБИ ТУМАНИНИНГ ЭНГ ЧЕККА ХУДУДЛАРИДАН БИРИ ХИСОБЛАНМИШ НАЗАРТЕПА ҚИШЛОҒИДА БОЛАЖОНЛАР УЧУН МУҲТАШАМ СПОРТ ИНШООТИ ҚУРИЛДИ.



Аччиқ, ammo очиқ гаплар

«ЕР ОЛОЛМАЙ ОВОРАМАН»

ЁКИ 1-ГУРУҲ НОГИРОНИ АБДУҲАМИД МАНСУРОВНИНГ КўП ЙИЛЛАРДАН БУЁН ТУРЛИ ИДОРЛАРГА ҚАТНАБ, САРСОН БўЛАЁТГАНИ ХАКИДА

Одатдаги иш кунларидан бирида тахририятимизга бир киши кириб келди. Саломликдан сўнг, юртимиздаги ўзгаришлар, янгиликлар, юрдошларимизнинг кайфияти, айниқса, аҳолининг турли қатламлари учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида тўлқинланиб гапирди...

Шундан сўнг у мақсадга кўчди.

— 1959 йилда туғилганман, ёшлгимдан 1-гурӯх ногирониман. 6 нафар фарзандим бор. Самарқанд шаҳридаги академик Баҳовуддинов кўчаси, 19-уйда яшаймиз. Давлатимизга раҳмат, нафақа билан вақтида таъминлайди. Фарзандларимга ҳам хар йили турли ёрдамлар кўрсатилапти. Бу гамхўрликдан миннатдоримиз. Ammo менга нисбатан бўлаётган адолатсизликдан хўрлигим келиб кетади. Бошимдан ўтганларини бирма-бир гапириб берадиган бўлсам, бир достон бўлади.

Даставвал, (1991 йилда) собиқ Сибё тумани ҳокимлигига «Сибё» бозори ҳудудида «Ошино» қисмига рухсат беришларини сўраб мурожаат қилдим. Ammo масъул ходимлар турли ваҳ-қарсонлар кўрсатиб, бу ишни орқага ташлашди. Шу билан меннинг аччиқ қисматим бошланди. Кунора турли идораларга қатнаб, уларнинг ашиги олдидан саргайдим. Натижа чи-

қавермагач, шаҳар ҳокимлигига рухсат сўраб мурожаат қилдим. Ўзгариш бўлмади. Эсинга вилоят ҳокимлигининг ашигини қоқдим. Вилоят ҳокимлиги эса ишни шаҳар ҳокимлигига, улар шаҳар архитектура бошқармасига, сўнг бозор маъмуриятига топширди. Шу-шу, бир неча идора ўртасида оворан-сарсон бўлиб қолдим. Менга «ҳеч қандай қурилиш бўлмайди, бир қарич ҳам бўш ер йўқ» деган ваҳни кўрсатаверишди. Ammo бозорда хар кун қурилиш... Улар қаердан ер олапти, ҳайрон қоласан. Хуллас, ногиронлигим сабаби ёки бошқами мана ҳалигача ер ололмай овораман.

Вилоятдан ҳеч қандай умид қолмагач, республика Бош прокуратурасига, Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилдим. Шундан сўнг бозорнинг «Кечки бозор» қисмига кириш жойидан 20 кв.м. ер берамиз, дейишди. Мен рози бўлмадим, чунки бу жой ошхона қуриш учун етарли эмас, бунинг устига санитария қоидаларига, овқатланиш меъёрларига тўғри келмасди. Шундан сўнг бошқа жой беришни ваъда қилишди. Ammo ханузгача ҳал бўлмади...

Йўл азоби — гўр азоби, деганларича бор экан. Тошкент ва Самарқанд ўртасида қатнайвериш, борган сари соғлигимни йўқотдим.

Яна бу киши чўпчак айтаяпти деб ўйланман. Хар бир гапимни исботлайдиган ҳужжатларим бор. У катта жамадон тўла ғозлар, ҳужжатларни кўрсатди. Унда нима ёзган, қачон қилма мурожаат қилган, кимдан хат ёки кўрсатма олган — қўйингки, ҳаммаси бор.

Бизга тақдим этган шикоят аризасининг ҳам ролпа-роса 45 арақч иловаси бор эди. Унда туман, шаҳар, вилоят ҳокимлиги ва бошқа юқори идораларга йўланган хатлар, Вазирлар Маҳкамасининг вилоят ҳокимлигига

юборган хатлари барчаси жамланган.

— Охирги умидим сизлардан, матбуотдан, — дейди сўхбатдошимиз. — Қолаверса, Халқ демократик партияси ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган-ку! Зора, мендек бир ногироннинг арз-доди матбуот юзини кўриб, ундан бошқалар ҳам огоҳ бўлса...

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ТАХРИРИЯТДАН:

Тўғриси, кўп ҳолларда фуқаролар ўз муаммосини ечолмай ҳолдан тойгач, тахририятларга мурожаат қилишади. Ваҳланки, аксарият масалалар маҳаллий раҳбарлар, мутасадди идоралар фаолиятига боғлиқ бўлади. 1-гурӯх ногиронининг бунчалик оворан-сарсонгарчилигига сабаби нима бўлиши мумкин?.. Ҳайрон қоласан, киши. Унинг масаласи шунчалик оғирми? Қолаверса, ногиронларга имтиёз бериш, уларни ижтимоий муҳофаза этиш бўйича ҳукуматнинг қатор қарорлари, шунингдек, қонунчилик билан кафолатланган-ку. Ёки ариза чиқариб қайсарлик қилиб, раҳбарлар билан муроасага бормаяптими? Ёки бошқа «муаммо» борми? Наҳотки 15 йилдан буюн бир ноэирон инсоннинг муаммосини ҳал қилиш ёки у ноҳақ бўлса тушуштириш, рози қилишга маҳаллий раҳбарларнинг тоқати, қурби етмаса?

Спорт

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЖўНАБ КЕТИШДИ

1-15 декабрь кунлари Доха (Қатар)да XV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Мусобақа низомига кўра, дастурдан жой олган футбол баҳсларида қўшимча терма жамоалари 23 ёшгача бўлган футболчилардан иборат таркиб билан қатнашиши кўзда тутилган. Қуръага мувофиқ, Ўзбекистон терма жамоаси «А-гурӯҳида» Қатар, Бирлашган Араб Амирикляри, шунингдек, саралаш босқичи ғолиби бўлиши кутилаётган Иордания ёки Тожикистон футболчиларига қарши кураш олиб боради.

Мамакатамиз терма жамоаси ушбу нуфузли мусобақага Рауф Инилев бош мураббийлигида тайёргарлик кўрди. Сўнги ўқув-йиғини машғулотлари 18-21 ноябрь кунлари Тошкентда ташкил этилди. «Пахтакор» марказий стадионда Эстония клублар терма жамоаси билан уюштирилган иккита ўртоқлик учрашуви вакилларимиз тарихини шакллантириш-

да муҳим аҳамият касб этди. Ўқув-йиғини машғулотлари мобайнида бош мураббий Рауф Инилев ўттиз нафарга яқин номзодни кўриқдан ўтказди. Мусобақа низомига кўра, 23 ёшдан ошган уч нафар ўйинчи — Асрор Алиқулов, Тимур Копадзе ҳамда Сервер Жепаров (барчаси «Пахтакор»дан)лар таркибга жалб этилди.

XV Осиё ўйинларида қуйидаги йиғирма нафар футболчи Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди: дарвозабонлар — №1. Александр Лобанов («Сўғдиёна-2004»), №12. Игнатий Нестеров («Пахтакор»), ҳимоячилар — №2. Анзур Исмоилов («Самарқанд»), №3. Илҳом Сулонов, №4. Александр Клецов, №5. Асрор Алиқулов, №6. Ислам Иномов («Пахтакор»), №14. Виталий Денисов («Спартак» Н-Н., Россия), №19. Камолiddин Тожиев («Сўғдиёна-2004»), ярим ҳимоячилар — №7. Азиз Ҳайдаров («Локомотив»), №8. Сервер Жепаров, №18. Тимур Копадзе, №20. Элдор Магдиев («Пахтакор»), №9. Носир Отақзиев, №10. Нодир Қўзибоев («Нефчи»), №11. Марат Бикмаев («Рубин», Россия), №13. Рустам Қодиров, №17. Камолiddин Мурзоев («Машъал»), ҳужумчилар — №15. Александр Гейнрих («Торпедо», Россия), №16. Игор Таран («Шўртан»).

Кеча Ўзбекистон терма жамоаси Дохага жўнаб кетди.

Эстонияликлар билан ўтган биринчи учрашувда ҳамюртларимиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тулларни вакилларимиздан Александр Клецов («Пахтакор») ҳамда Игор Таран («Шўртан»)лар киритди. Иккинчи ўртоқлик учрашувда эса кучлар тенг келди — 1:1. Терма жамоамизнинг ягона тўлига Рустам Қодиров («Машъал») муаллифлик қилди.

Эстонияликлар билан ўтган биринчи учрашувда ҳамюртларимиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тулларни вакилларимиздан Александр Клецов («Пахтакор») ҳамда Игор Таран («Шўртан»)лар киритди. Иккинчи ўртоқлик учрашувда эса кучлар тенг келди — 1:1. Терма жамоамизнинг ягона тўлига Рустам Қодиров («Машъал») муаллифлик қилди.

Эркин ХОЛБОБО

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 26, 29 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, яқна тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади: Мирзо Улугбек тумани, Касаба ва Хулқар кўчалари кесилувида, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 3 та ер участкаси. Хар бирининг бошланғич нархи — 784 000 сўм.

10 фоиз миқдоридаги закат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филилидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефон: 133-23-40. Гувоҳнома № 000815

«Тошкент қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ жамоаси жамият бошқаруви раиси Эркин Эргаш ўғли Иноғомовага опаси Гулруҳ Эргаш қизи ИНОҒОМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ийҳор этади.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Turobjon JO'RAYEV, Feruz NAZIROV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Baxtiyor DO'SJONOV, Farroh MAMROYEV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Ekologiya va salomatlik, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.